

«NAZORAT-AUDIT»

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz

**«Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя»
Худудий акциядорлик жамиятининг
2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا
Ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Жамият таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот
Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробот туман, Госпиталь даҳаси 11/2.
телефон: +998 95 144 74 55 Факс: +998 71 150 23 01.

email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545. 11.12.2007 йилда
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи субъектларда
аудиторлик текшируви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга
рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 00067 28.07. 2008 йилда берилган.

Хисоб рақами: 20208000604007713001 в «DAVR-BANK» ХАТБ Чилонзор филиали,
МФО-01046, СТИР: 202884570, ИФУТ: 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, "Аудитор малака
сертификати" - № 05207 от 26.04.2014 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
томонидан берилган.

Аудитор: Ч.Зикрияев Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан «26» март 2015 да
йилда берилган № 05375 сонли «Аудитор малака сертификати»га эга

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот
«Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя» Худудий акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, Жайхун кўчаси 43 уй.
Кашкадарё вилояти Карши шаҳар «YAGONA DARCHA» маркази томонидан 07.12.2016
йилда 000442-сонли тартиб рақами билан руйхатга олинган.

Хисоб рақами: 20210000800179657001 «Агробанк» АТБнинг карши шаҳар филиали, МФО-
00151, СТИР:202 154 632, ИФУТ: 46750.

Жамият бошқаруви раиси: Ф.О.Дусмуродов.

Бош хисобчи: Х.А.Каримов.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Ч Зикрияев, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан «26» март 2015 да йилда берилган № 05375 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамияти ўртасида 19 апрел 2019 йилда тузилган № 70/14-19 - сонли шартномага асосан «Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя» худудий акциядорлик

жамиятининг 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган даври учун «Бухгалтерия баланси» – 1-шакл, - «Молиявий натижалар тўғрисидаги Ҳисобот» – 2-шакл, «Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот» -4-шакл, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот»-5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Кашкадарё вилоят агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Б.Н.Назаров.

Аудитор

Ч.Зикрияев

Хулоса тузилган сана: « 28 » апрель 2019 й. м.ў.

